

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖУРНАЛИСТИКА ФАКУЛЬТЕТИ “ИНТЕРНЕТ ЖУРНАЛИСТИКА
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ” КАФЕДРАСИ**

Ярбулов Ризамат

“МОҲИЯТ” ГАЗЕТАСИДА МАҚОЛА ЖАНРИ ТАРАҚҚИЁТИ

5220100 – Журналистика

Бакалавр даражасини олиш учун ёзилган

МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИ

**Илмий раҳбар:
Проф. М.Худойқулов**

Тошкент - 2013

“МОҲИЯТ” ГАЗЕТАСИДА МАҚОЛА ЖАНРИ ТАРАҚҚИЁТИ

Режа:

Кириш.

1-Боб. Мақола жанри хусусиятлари ва турлари.

1.1. Мақола жанри хусусияти ва турлари

1.2. Мақола жанри характеристикаси

2-Боб. “Моҳият” газетасида мақоланинг кўринишлари.

3-Боб. “Моҳият” газетаси журналистларининг маҳорати.

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Ривожланиш нотекис ҳаракат қилсада, самара томон олиб боради. Инсоният тарихига назар ташласак, унинг тараққиётига сезиларли таъсир қилган кашфиётларга гувоҳ бўламиз. Улар аҳамияти, нафи ва кераклилик даражасига қараб турлича тавсифланади. Аввало, улар ўз даври учун янгилик бўлганлиги ҳамда кейинчалик инсонлар ҳаётига таъсир қилганлиги билан характерланади. Уларнинг аксарияти ижобий эканлиги боис бугунги тамаддун (цивилизация)га эришганимизни ҳам алоҳида эътироф этиш жоиз. Мана шундай мўъжизалардан бири оммвий ахборот воситаларининг, жумладан, матбуотнинг пайдо бўлишидир.

Шу маънода XX асрни ҳам ихтиролар асри дейишимиз мумкин. Биргина коммуникацион тизимнинг ўзида кино, радио, телевидение ва интернетнинг яратилиши бутун дунё манзараларини тубдан ўзгартириб юборди. Уларнинг барининг ривожи, шубҳасиз, матбуот билан боғлиқ. Дарҳақиқат, республикаимиз Президенти И.Каримов, “янги аср – ахборот, юксак технологиялар ва замонавий билимлар, олдимизда очилаётган янги истиқболлар асридир”¹, - дея бежиз таъкидламаган. Қолаверса, юртбошимиз И.А. Каримовнинг “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”нинг демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устивор вазифалари сифатида белгиланган III қисми “Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш”, деб номланади. Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда ахборотнинг тез ва сифатли айланишини таъминлаш мамлакат тараққиёти ва равнақининг бош мезонига айланмоқда. Унда айтилишича, “Мамлакатимизда ўтган йиллар давомида, айниқса, охириги 10 йилда оммавий ахборот воситаларини янада либераллаштириш, сўз эркинлигини

¹ Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. -Т.: Ўзбекистон, 2003. 54 - бет.

таъминлашга қаратилган кенг қамровли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди.”²

Холис ва тезкор ахборот олиш, айтиш мумкинки, миллий журналистикамизнинг энг жиддий муаммоларидан бири, десак муболаға бўлмайди. ХХІ асрда яшаётган замондошимиз учун ахборотнинг аҳамияти сув ва ҳавонинг аҳамиятидан кам эмас. “Дунё – ахборот макони” тушунчаси онг ва шуурларга шу қадар чуқур сингиб кетдики, дунё ҳамжамиятининг ҳақли аъзоси – субъектига айланиш истагидаги ҳар қандай давлат ва шу давлат фуқаролари мазкур ахборот маконидан мустаҳкам ўрин эгаллашининг аҳамиятини сўз билан таърифлаш қийин. Бу жараёнлар эса ҳақли равишда ахборотларни тезкор олишни ва айна пайтда ОАВларнинг холис бўлишини тақозо этади. Бунинг учун аввало журналистлар воқеа-ҳодисаларга объектив ёндашишлари лозим. Пешқадам ОАВ тури бўлган матбуот мисолида масала янада ойдинлашади. Мазкур кичик тадқиқот ишининг долзарблиги айна шулардан келиб чиқади.

Республикамиз мустақилликка эришган дастлабки йилларданок турли демократик ва ҳуқуқий институтлар ташкил этилишига катта эътибор берилгани, жамият тараққиётида шахс эркинлигига эришиш, жумладан оммавий ахборот воситаларининг ҳам эркин фаолият юритишини таъминлашга йўналтирилган саъйи-ҳаракатлар айнан эътиборлидир.

Дунёдаги барча мамлакатларида оммавий ахборот воситалари етакчи ўрин тутаяди. Мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида етакчи рол ўйнаганлиги учун ҳам уларга тўртинчи ҳокимият тусини бериш оммалашган. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 67-моддасида “Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар, цензурага йўл қўйилмайди”, дейилади.³

² Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.:Ўзбекистон, 2010.28-бет.

³ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси:- Т.: “Ўзбекистон” 2009 й. 21-бет

Буларнинг бари ОАВмизга катта имкониятлар беради. Мана шу эркинликни тўғри ҳис қилган ҳолда журналистларимизнинг мавзуга ёндашиши масалаларини ўрганиш, улардаги тезкорлик ва холислик меъзонларини таҳлил қилиш бугунги глобаллашаётган замон учун айтиб бериладир. Мазкур тадқиқот иши мана шу жиҳатларни ўрганиши билан ҳам бериладир.

Ишнинг мақсад ва вазифалари. “Мамлакатимизда ҳозир миллий ахборот тизимларини шакллантириш, ахборотлаштириш соҳасини тартибга солиш, ахборот ресурсларидан кенг қўламда фойдаланиш юзасидан чоратадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Юртимизда, аввало, оммавий ахборот воситалари ривожини таъминлайдиган, демократик талаб ва стандартларга мос келадиган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди. Ушбу даврда оммавий ахборот воситаларини эркин ва жадал ривожлантиришга, ахборот соҳасининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган 10 га яқин қонун ҳужжатлари қабул қилинди.”⁴ Ҳозирги кунда мустақил давлатимизда оммавий ахборот воситалари ва уларда хизмат қилаётган – ижодкорларнинг эркин, кенг қамровли, ошқора фаолият кўрсатишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Мустақиллик йилларида Олий Мажлис томонидан бир қатор қонунлар қабул қилиндики, улар ҳар оммавий ахборот воситалари ва ҳар бир журналист учун дастуриламал, ўзига хос ҳимоя воситасидир.

Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонуни мамлакатимиздаги барча газета ва журналлар, радио ва телевидение воситаларини дунё миқёсига олиб чиқиш учун хизмат қилувчи асосий воситадир. Ана шу қонун асосида Оммавий ахборот воситалари ривожланмоқда. Бугун бу ривожланиш улар тарқатаётган ахборотларнинг тезкор ва холислиги билан белгиланмоқда. Кичик тадқиқот ишининг мақсади мана шуларни инобатга олган ҳолга ОАВ материалларига ёндашишдан иборат. Вазифалари эса кузатиш ва таҳлил давомида кўзга ташланган

⁴ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010. 28-29-бетлар.

ютукларни умумлаштириш, камчиликларни бартараф этиш борасида таклифлар беришни назарда тутати.

Ишининг илмий янгилиги. Маълумки, Ўзбекистонда яшаётган халқларнинг ўзлигини, уларнинг маънавий-ахлоқий идеалларини ёритишда, диний бағрикенгликни, миллатаро тотувликни тарғиб-ташвиқ этишда, хориж майдонида содир бўлаётган ходисотлардан хабардор қилишда оммавий ахборот воситалари ва хусусан матбуотнинг ўрни муҳимдир. Улар жамоатчилик фикрини уйғотади, шакллантиради, йўналтиради. Энг аввало инсонлар сиёсий-ижтимоий, иқтисодий, маданий ҳаётида ҳамда дунё ҳамжамияти, давлатларо муносабатларда содир бўлаётган ўзгаришлардан хабарбор бўлади, уни идрок этади.

Оммавий ахборот воситаларининг ва айнан матбуотнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни, роли ошиб бормоқда ва ҳаётмизга кун сайин чуқурроқ кириб бораверар экан, бу ўз навбатида матбуот нашрлари сонининг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Мазкур жараёнларни акс эттираётган материаллар сафида, шубҳасиз, ижтимоий мавзуларни ёритувчи саҳифалар, улардаги янгиликлар журналистикаси пешқадамдир. Мана шу жиҳатни инобатга олган ҳолда уларни назарий жиҳатдан ўрганиш ишнинг илмий янгилигини ташкил этади.

Ишнинг объекти ва предмети. Мазкур тадқиқот ишининг объектини “Моҳият” газетаси ташкил этади. Унинг предмети эса мазкур газета саҳифаларидан ўрин олган мақола жанридаги материаллар ташкил этади.

Ишнинг амалий аҳамияти. Ишнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, ўрганилганларнинг илмий мақола шаклида турли даврий нашрларда ёки илмий тўпламларда чоп этиш мумкин. Қолеверса, ушбу кичик тадқиқот иши бакалавр талабалари учун назарий йўриқгома бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ишнинг тузилиши. Битирув ишига кириш, олти фаслдан иборат уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Биринчи боб “Мақола жанри хусусиятлари ва турлари”, деб номланиб, икки параграфни қамраб олган. Биринчи параграф: “Мақола жанри хусусияти ва турлари”, деб номланиб, унда босма оммавий ахборот воситаларида чоп этилаётган

материаллар мақола жанри хусусияти ва турларидан келиб чиқиб атрофлича таҳлил қилинган. Иккинчи параграф “Мақола жанри характеристикаси” деб номланиб, республикамизда мавжуд газета ва журналлардаги материаллар асосида мақола жанрига қиёсий характеристика берилган.

Иккинчи боб ““Моҳият” газетасида мақоланинг кўринишлари” сарлавҳаси билан икки параграфга бўлинган. Унда малакавий битирув иши объекти бўлган “Моҳият” газетасида чоп этилаётган мақолаларнинг жанр хусусиётдан келиб чиқиб таҳлил қилинган.

Учинчи боб “Моҳият” газетаси журналистларининг маҳорати”, деб номланган бўлиб, бу бандда матбуот журналистларининг нутқидаги камчиликлари, адабий тил меъёрларига қай даражада амал қилиши ва газетанинг ҳар бир сонини, саҳифасини ва рукнини тайёрлашдаги маҳорати атрофлича таҳлил қилинади.

Малакавий битирув ишининг хулоса қисмида тадқиқот натижасида келиб чиққан мухтасар хулосалар берилган.

1-БОБ. Мақола жанри хусусиятлари ва турлари

1.2. Мақола жанри хусусияти ва турлари

“Ҳаммамиз яхши тушунамизки, ҳозирги вақтда оммавий ахборот воситаларининг вазифалари ҳам, улар олдида қўйиладиган талаблар ҳам кўп. Лекин энг муҳими – ҳаёт ҳақиқатини тўлақонли акс эттиришдан иборат”⁵.

Дарҳақиқат, Президентимиз таъкидлаганларидек, журналистика жамият ҳаётини акс эттириш, уни билиш ва тадқиқ қилиш, ҳаётга нисбатан ижобий таъсир кўрсатиш мумкин. Бу масъулиятли вазифани журналистларимиз сидқи дилдан адо этиб келмоқдалар. Жонкуяр касб эгалари ҳақида журналист олим Хуршид Дўстмуҳаммадов шундай дейди: “Ўзбек журналисти азалий миллий қадриятларимиз глобаллашув тўфонлари орасида йўқолиб кетишига йўл қўймайди. Ҳар қандай ижобий, умминсоний қадрият, қонун ва ҳуқуқ талабларини ҳурмат қилгани ҳолда уларни ўз халқимиз миллий қадриятлари ва манфаатлари нуқтаи назаридан баҳолашни, тарғиб-ташвиқ этишни ўз касбий одоби талаби, деб билади”⁶.

Махсус касб билим ва кўникмаларидан ташқари матбуот ходими жамият мафкурасининг асослари, Давлат ички ва ташқи сиёсати моҳияти, халқнинг маънавий-маърифий, тарихий илдизлари, урф-одат, анъаналари, миллий, диний қадриятларини ҳам билиши зарур. Қолаверса, буларнинг барини ўз бўлажак журналистик материалида, аввало, мақолаларида кўрсата билиши лозим.

Мақола – бу сўз лотинчадан олинган бўлиб “аъзо”, “бўғин”, “бутуннинг бир қисми” деган маъноларни англатади. Шунинг учун ҳам журналистика амалиётида газетадаги алоҳида материал ҳатто унинг жанри бунга мос келмасада мақола деб аталади.

⁵ Каримов И. А. Энг асосий меъзон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. Т.: Ўзбекистон, 2009 йил, 10-б.

⁶ Хуршид Дўстмуҳаммад. Оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришнинг демократик андозалари. Т.: Ўзбекистон, 2005 йил, 26-бет.

“Мақола сўзи арабча бўлиб, айтилган сўз, деган маънони билдиради. Мақола деб жамият ҳаётининг бирор соҳаси бўйича маълум бир масала, муаммо кўтариб чиқилган публицистик материалга айтилади”⁷.

Мақолада муайян мавзу юзасидан ҳаётдан олинган факт, воқеа ва ҳодисаларни умумлаштириш асосида маълум бир фактлар, таклиф ва мулоҳазалар олдинга ташланади, илмий, назарий, амалий ва публицистик – ижтимоий-сиёсий хулосалар чиқарилади. Публицистиканинг бу жанри инсоннинг ташқи дунёни билишидаги энг муҳим назарий услуби – дудукция, таҳлил, тадқиқотга асосланади. Мақола жанрининг асосий хусусияти ҳаёт воқеа-ҳодисалари, фактлар мажмуасини чуқур таҳлил ва тадқиқ этиш, улардан зарур назарий, амалий ва публицистик хулосалар чиқаришдир.

Мақола жанри жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олади. Унда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ишлаб чиқариш, маданий-маърифий ҳаётнинг барча муҳим масалалари ўз ифодасини топади. Шу билан бирга, мазкур жанрда жамиятнинг шу кундаги, айни замондаги ҳаёти борасидаги факт, воқеа ва ҳодисалар ш кун, айни замон учун ёритилади, бошқача қилиб айтганда мақола учун энг муҳим талаб унинг шу кун учун зарурлиги, публицистиклигидир.

Мақола ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини акс эттирар экан, у ўз навбатида мавзу жиҳатидан турли хилларга бўлиниши мумкин. Жумладан:

- Ижтимоий-сиёсий мавзудаги мақолалар,
- Иқтисодий ишлаб чиқаришга бағишланган мақолалар. Бу ўз навбатида ички ва ташқи мақолаларга бўлинади. Ички мавзудаги мақолалар мамлакат ички ҳаётини ўзида акс эттирса, ташқи мавзулардаги мақолалар халқаро ҳаёт ва бошқа мамлакатларда юз берган воқеаларга бағишланади.

Мақолалар яна ёзилиши нуқтаи назаридан назарий ва амалий мақолаларга бўлинади. Назарий мақолалар ҳар бир соҳа, мавзу ёки масаланинг энг чуқур асосий-назарий масалаларини акс эттирса, амалий назардаги мақолалар ана шу назарий масалаларни ҳаётга тадбиқ этишга

⁷ Худойкулов М. Журналистика ва публицистика. Т.: Университет. 2008 й, 154 бет.

хизмат қилади. Мақола учун мавзу қилиб олинган масалага қараш, журналистнинг ҳаётдаги факт, воқеа ва ҳодисаларга муносабати нуқтаи назаридан мақолалар ижобий ёки танқидий бўлиши мумкин. Ёзилиш услуби бўйича эса мақолалар илмий, адабий-бадний, публицистик, ҳажвий ва бошқа хилларга бўлинади. Бу мақолаларнинг ҳар бири ўз навбатида юқорида тилга олинган мақолалар хилларига тааллуқли бўлади. Маълум мавзуга бағишланган бир неча мақолаларга эса мақолалар туркуми дейилади.

Ривожланган мамлакатлардаги каби республикада ахборот бозорини шакллантириш ва унда соғлом рақобат муҳитининг пайдо бўлиши, хусусий босма нашрлар ва электрон медиа компаниялари, сиёсий партиялар нашрлари, нодавлат ахборот агентликлари вужудга келиши жамиятимиз учун янги ҳодисалардир.

Мақола, асосан, оммавий ахборот воситаларининг газета ва журнал каби кўринишларида, шунингдек, альманах, тўплам ва китобларда асосий ўрин эгаллайди. Назарий турдаги илмий, адабий-бадний ва бошқа мақолалар, асосан, журналлардан жой олади. Газеталарда кўпроқ публицистик мақолалар эълон қилинади. ОАВнинг радио ва телевидение кўринишларида мақола жанри радиочиқишлар ва телевизион кўрсатувлар, деган ном билан аталади. Ахборот агентликлари ҳам айрим ҳолларда мақола жанридан фойдаланади. Интернетда ҳам мақола берилади. Аммо газетадан фарқли ўлароқ глобал тармоқда улар сайтларга жойлаштирилади. Мавзу доирасига кўра порталларга, уларда эса блоklarга ажратиб чиқилади. Мақола қайси тилда ёзилмасин, уларнинг турларидан қайъий назар маълум бир умумий тузиришга, композицияга эга бўлади.

Мақолада биринчи ўринда олдинга сурилаётган фикр, айтилмоқчи бўлган маъно туради. Яъни журналист ҳаётнинг маълум бир соҳаси, маълум бир мавзу бўйича олиб борган кузатишлари, топган факт ва янгиликлари, бўлиб ўтган воқеа ва ҳодисалар асосида ўқувчига янги бир фикр, яъни гап айтиши лозим. Бу эса муаллифнинг шу соҳани қанчалик яхши билиши, унинг барча томонларидан хабардор бўлиши, ўша соҳа учун қандай янгиликлар,

янги ечимлар таклиф қила олишдан келиб чиқади. Бу журналистдан ўша соҳа бўйича чуқур ихтисосликка эга бўлишни талаб этади. Масалан, санъат ҳақида мақола ёзиш учун шу соҳанинг етук мутахассиси даражасида билиш, иқтисод соҳасига оид материал ёзиш учун эса иқтисодчи билим ва кўникмаларига эга бўлиш лозим. Аммо буларнинг ўзи етарли эмас. Мақола ёзувчи журналист ўша соҳанинг мутахассиси даражасида билимга эга бўлиш билан биргаликда, мазкур масала ҳозирги давр учун, шу кун учун нечоғлик аҳамиятли эканлигини, унинг ечими ҳаёт учун қанчалик зарур эканлигини ҳам чуқур тушуниши, билиши, ҳис қилиши лозим. Бу эса публицистиканинг бош талабидир. Шунинг учун ҳам мақола таҳлилий публицистиканинг асосий жанри ҳисобланади.

Аввало мақола сифатли ва замон талабларига мос бўлиши учун эркин фикр тизими зарур. Мақола учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган фикр, мулоҳаза эса ҳаётдаги факт, воқеа ва ҳодисаларни умумлаштириш, таҳлил ва тадқиқ қилиш натижасида вужудга келади. Факт, воқеа ва ҳодисаларнинг таҳлили эса мақоланинг мавзуси, қайси соҳага бағишланганлиги, яъни тури ва хилига боғлиқ. Чунончи илмий мақолада асосан илмий тадқиқот, ижтимоий-сиёсий мавзудаги мақолада эса ижтимоий-сиёсий тадқиқот, адабий-бадиий мақолада эса адабий-бадиий тадқиқот ва ҳокозолар олиб борилади. Юқоридаги тадқиқот турлари асосида публицистик тадқиқот асосий ўрин тутди.

Мақоланинг асосий мақсади ижтимоий ҳаётнинг у ёки бу муаммоларини акс эттириш ва жамоатчилик фикрида ҳақола этишдир. Унинг тили ва услубига келсак, у расмий, илмий, адабий-бадиий, ҳажвий публицистик услубда ёзилиши мумкин. Бу мақоланинг мавзуси ва ўз олдига қўйган мақсадидан келиб чиқади. Мазкур жанрда адабий-бадиий воситалар ҳам ўз ўрнида қўлланилади. Масалан, илмий мақолаларда бундай воситалардан фойдаланилмайди. Оммавий матбуот нашрларида босиладиган публицистик мақолаларда юқорида қайд этилган воситалардан маълум даражада фойдаланилса, адабий-бадиий жанрларда бериладиган ижтимоий

ҳаётни ёритувчи мақоларда улар кенг қўлланилади. Бинобарин, мақоланинг тил ва услуби, адабий-бадиий воситалардан фойдаланиши мақоланинг типи ва хилига боғлиқдир.

Мақола жанри матбуотда унинг пайдо бўлган давридан бошлаб кенг қўлланилиб келинади. Жаҳон матбуоти, рус ва ўзбек матбуотида мақола жанри ижтимоий фикрнинг шаклланиши ва тараққиётида илм-фан, маданият ва маънавиятнинг ўсишида катта рол ўйнаб келган. Миллий матбуотчилигимиз тарихида нашрларнинг кўплиги ҳам мақоланинг жанр сифатида шаклланишига асосий тўртки бўлган. Жумладан, миллий матбуотчилик ривожига ҳақида ёзар экан, ҳурматли устозимиз, етук журналист Бойбўта Дўстқораев шундай фикрларни келтиради: “Чўлпон 1917 йил феврал тўнтарилишига қадар чиққан нашрлар ҳақида ёзаркан, “Тараққий”, “Хуршид”, “Шухрат”, “Осиё”, “Тижор”, “Бухорои шариф”, “Турон”, “Самарқанд”, “Садои Туркистон”, “Садои Фарғона”, “Олош” (қозоқча)” газеталари, “Ойна”, “Ол-ислоҳ” журналлари ҳақида қисқани маълумот берган”⁸. Чўлпон берган маълумотлар билан биз ўзбек журналистикаси тарихида мақола жанрининг ривожланиши хусусида ҳам билимларга эга бўлишимиз мумкин.

Туркистоннинг миллий уйғониш даври матбуотида мақола миллий мустақилликғоясининг шаклланиши, мустамлакачилик зулми, жаҳолат ва қолоқликка қарши кураш, маънавият ва маърифатнинг тараққий этишига хизмат қилган. Атоқли ўзбек адиблари Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Фитрат, Абдулла Қодирий ва бошқа зиёлилар ватан мустақиллиги, халқ эрки учун курашда мазкур жанрдан кенг фойдаланганлар.

Мақола жанри ҳақида яна бир манбада қуйидаги жумлалар келтирилган: “Мақола аналитик жанрнинг асосий тури бўлиб, у ўрганилаётган воқеа-ҳодисаларнинг тўлиқ ва чуқур ёритиш, далилларни умумлаштириш,

⁸ Дўстқораев Б. Ўзбек журналистикаси тарихи. (1 қисм, 1870-1917 йил ноябрь). Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи. 2009 й, 22 бет.

ҳодисаларнинг моҳияти қонуниятларини очиш, унинг сабабини аниқлаш билан тавсифланади”⁹.

“Мақола халқаро журналистикада беш турга бўлинади:

1. Тарғибот элементлари мужассамлашган бош мақола,
2. Бирор бир муаммони ўрганиб, унинг келиб чиқиш ва ечимини кўрсатувчи мақола,
3. Мавжуд воқеяликни танқидий томондан ёритувчи муаммоли ёки танқидий мақола,
4. Бир-бирига боғлиқ воқеаларни умумлаштириш, уларни бир нуктаи назардан таҳлил этувчи ва умумлаштирувчи мақола,

Воқеяликни илмий нактаи назардан таҳлил этиб берувчи илмий мақола”¹⁰.

Бош мақола – газета сонининг асосий йўналиши ва мавзусини ўзида мужассам этади. Муаммоли ёни танқидий мақола жамият ва унинг оғриқли нукталарини кўрсатиб беришда муҳим рол ўйнайди. Воқеяликни танқид остига олиш орқали унинг салбий оқибатларига тавсиф беришга хизмат қилади.

Умумлаштирувчи мақола – бир неча воқеяликнинг ўхшаш жиҳатларини кўрсатади ва уларга умумий баҳо беришга қўл келади.

Илмий мақола – асосан, журналлар учун мўлжалланган бўлиб, газетада кам учрайди ва воқеяликни чуқур илмий равиёда таҳлил этиб бериш учун қўлланилади.

Назариётчилар журналистика жанрларидан келиб чиқиб, уни қуйидаги турларга ажратади: умумтанқидий мақола, амалий таҳлилий мақола, мунозарали мақола ва бошқалар.

Умумлаштирувчи мақола – умумаҳамиятли, кенг масалаларни таҳлил этади. Бундай мақолаларнинг муаллифи сиёсий-иқтисодий ёки маънавий-

⁹ Қосимова Н ва бошқалар. Босма аммовий ахборот воситалари учун қўлланма. Т.: Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди. 2008 й, 56 бет

¹⁰ Ўша манба, 56 бет

маърифий масалаларни юқори даражада умумлаштириш асосида фикр юритади. Унинг учун энг асосийси турли анъана, урф-одатлар, замонавий жамиятни ривожлантириш истиқболларини ўрганишдир.

Амалий-таҳлилий мақола долзарб амалий масалаларни таҳлил этади. Муаллифнинг қизиқиши муайян муаммолар доирасида бўлади. Мақоладаги асосий мақсад, у ёки бу жамоат муносабатларида юзага келган вазиятлар сабабларини аниқлаш, уни баҳолаш, ривожлантириш жараёнларини белгилаш, унинг эҳтимолий ечимларини кўрсатиш бўйича таклиф-мулоҳазаларни жамоатчилик эътиборига ҳавола қилишдан иборат.

Халқаро журналистикада мақола тузилиши ўзбек журналистикасида меъёрга кириб қолган мақолалардан фарқ қилади. Чет эл журналистикасида бир саҳифани эгаллайдиган мақола деярли учрамайди. Шунингдек, уларда “Фельетон” жанри ҳам мавжуд бўлмай, у танқидий мақоланинг ўзидир. Зукко муштарийда бу борада халқаро журналистика меъёрлари асосида хориж маданиятини сингдириш эмасми, деган савол туғилиши табиий. Аммо бугунги кунда харқаро журналистика меъёрлари бир давлат чегарасидан чиққан. Бутун дунёда ахборот олиш ва унинг ҳаддан зиёд кўплиги улар орасидан аҳамиятга молигини танлаб олишга имкон берувчи жанрларнинг ривожини тақозо этади. Янгилик, хабар, корреспонденция, интервью ва албатта мақола шулар жумласидандир.

1.2. Мақола жанри характеристикаси

Таҳлилий публицистиканинг марказий жанри мақоладир. Мақола сўзи арабча бўлиб, айтилган сўз деган маънони билдиради. Мақола деб жамият ҳаётининг бирор соҳаси бўйича маълум бир масала, муаммо кўтариб чиқилган публицистик материалга айтилади. Мақолада муайян мавзу юзасидан ҳаётдан олинган факт, воқеа ва ҳодисаларни умумлаштириш асосида маълум бир фикрлар, таклиф ва мулоҳазалар олдинга сурилади, илмий, назарий, амалий ва публицистик — ижтимоий-сиёсий хулосалар чиқарилади. Публицистиканинг бу жанри инсоннинг ташқи дунёни билишдаги энг муҳим назарий услуби – дедукция, таҳлил, тадқиқотга асосланади. Агарда ахборий жанрлар жамият ҳаётининг кўзга кўриниб турган ташқи жиҳатлари — юз берган воқеа ва ҳодиса, фактларни акс эттириш, таҳлилий публицистиканинг бошланғич жанри бўлган корреспонденция эса бу факт воқеа ва ҳодисаларнинг сабаби ва оқибати, яъни моҳиятини билиш учун олиб борилган дастлабки уриниш, ҳаётнинг чуқур қатламларига кириб бориш учун қўйилган дастлабки қадамдан иборат бўлса, мақолани ана шу факт, воқеа ва ҳодисаларнинг моҳиятини тўла очиб бериш, ҳаётнинг энг чуқур қатламларига керагича, лозим даражагача кириб бориш, мақсадга имкон даражасида тўла эришишга қиёс қилиш мумкин. Яъни, мақола жанрининг асосий хусусияти ҳаёт воқеа, ҳодисалари, фактлар мажмуасини чуқур таҳлил ва тадқиқ этиш, улардан зарур назарий, амалий ва публицистик хулосалар чиқаришдир. Бошқача қилиб айтганда мақола инсоннинг дунёни англашдаги муҳим қуроли, бемисл воситасидир.

«Моҳият» газетасининг 2011 йил 7–январь сонида босилган журналист М.Холматованинг «Бир ҳовуч сув» сарловҳали мақоласи ҳам юқоридаги каби маънавий мавзуда бўлиб, унда сувнинг табиатдаги ва инсон ҳаётидаги ўрни, қиммати баён этилади. Муаллиф ўз фикрларини тасдиқлаш учун турли ҳаётӣй воқеалар, ривоятларга мурожаат қилади, образли воситалардан кенг фойдаланади.¹¹

¹¹ Холматова М. «Бир ҳовуч сув»//«Моҳият» газетасининг 2011 йил 7–январь, 2 бет.

Мақола жанри жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олади. Унда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-ишлаб чиқариш, маданий-маънавий ҳаётнинг барча муҳим масалалари ўз ифодасини топади. Мазкур жанрда жамиятнинг шу кундаги, айни замондаги ҳаёти борасидаги факт, воқеа ва ҳодисалар шу кун, айни замон учун ёритилади, бошқача қилиб айтганда мақола учун энг муҳим талаб унинг шу кун учун зарурлиги, публицистиклигидир.

Мақола ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини акс эттирар экан, у ўз навбатида мавзу жиҳатидан турли хилларга бўлиниши мумкин. Булар — ижтимоий-сиёсий мавзулардаги мақолалар, иқтисодий-ишлаб чиқаришга бағишланган мақолалар ва маданий-маънавий мавзуларга тегишли мақолалардир. Ижтимоий-сиёсий мавзулардаги мақолалар ўз навбатида ички ва ташқи мавзулардаги мақолаларга бўлинади. Ички мавзудаги мақолалар мамлакат ички ҳаётини ўзида акс эттирса, ташқи мавзулардаги мақолалар халқаро ҳаёт ва бошқа мамлакатларда юз берган воқеаларга бағишланади.

Мақолалар яна ёзилиш нуқтаи назаридан назарий ва амалий мақолаларга бўлинади. Назарий мақолалар ҳар бир соҳа, мавзу ёки масаланинг энг чуқур асосий-назарий масалаларини ўзида акс эттирса амалий тарздаги мақолалар ана шу назарий масалаларни ҳаётга татбиқ этишга хизмат қилади. Мақола учун мавзу қилиб олинган масалага қараш, журналистнинг ҳаётдаги факт, воқеа ва ҳодисаларга муносабати нуқтаи назаридан мақолалар ижобий ёки танқидий бўлиши мумкин. Ёзилиш услуби бўйича эса мақолалар илмий, адабий-бадий, публицистик, ҳажвий ва бошқа хилларга бўлинади. Бу мақолаларнинг ҳар бири ўз навбатида юқорида зикр этилган мақолалар хилларига таалуқли бўлиши мумкин.

Мақолалар ҳажмига қараб кичик ёки йирик мақола тарзида бўлиши мумкин. Маълум мавзуга бағишланган ва бир пайтда ёзилган мақолаларга эса мақолалар туркуми дейилади.

Мақолаларнинг бундай хилма-хиллиги публицистиканинг муҳим қисми бўлган таҳлилий публицистиканинг ўзида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олиши ва илмий-адабий–публицистик ижоднинг хилма-

хил усулларида кенг фойдаланишини кўрсатади. Бинобарин, мақолада фаннинг, дунёни билишнинг умумлаштириш, тадқиқот каби йўллари билан бир қаторда адабиёт ва санъатнинг образ ва образлилик, сюжет, композиция ва бошқа тасвирий воситалари ҳам ўз ифодасини топади. Аммо унинг энг муҳим ва биринчи ўринда турувчи услубий-ижодий воситаси бу – публицистик тадқиқот ҳисобланади.

«Моҳият» газетасининг 2010 йил 7–сентябрь сониди педагогика фанлари доктори, профессор Ш.Қурбоновнинг «Баркамол авлод: Тарбия тизимининг масъулияти» сарлавҳали мақоласи босилган. Назарий мақола тарзида ёзилган бу материалда мамлакатимизда таълим–тарбия соҳасида олиб борилаётган катта ислохотлар, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг бажарилиш жараёнлари ҳақида сўз боради. Муаллиф масалага чуқур ёндашиб, унинг моҳиятини очиқ беради.¹²

Мақола асосан оммавий ахборот воситаларининг газета ва журнал каби кўринишларида, шунингдек альманах, тўплам ва китобларда асосий ўрин олади. Назарий турдаги илмий, адабий-бадиий ва бошқа мақолалар асосан журналлардан жой олади. газеталарда кўпроқ публицистик мақолалар босилади. Оммавий ахборот воситаларининг радио ва телевидение каби кўринишларида мақола жанри радио чиқишлар ва телевизион кўрсатувлар деган ном билан ўз аксини топади. Ахборий агентликлар ҳам айрим ҳолларда мақола жанридан фойдаланадилар. Интернетда ҳам мақола берилади, у сайт деган ном олади.

Мақола қайси хил ва турда бўлмасин маълум бир умумий тузилишга, композицияга эга бўлади. Мақолада биринчи ўринда унда олдинга сурилаётган фикр, айтилмоқчи бўлган маъно туради. Яъни, журналист ҳаётнинг маълум бир соҳаси, маълум бир мавзу бўйича олиб борган кузатишлари, топган факт ва янгиликлари, бўлиб ўтган воқеа ва ҳодисалар асосида ўқувчига янги бир фикр, янги гап айтиши лозим. Бу эса муаллифнинг

¹² Қурбонов Ш. «Баркамол авлод: Тарбия тизимининг масъулияти» // «Моҳият» газетасининг 2010 йил 7–сентябрь, 2-бет

бу соҳани қанчалик яхши билиши, унинг барча томонларидан хабардор бўлиши, ўша соҳа учун қандай янгиликлар, янги ечимлар таклиф қила олишидан келиб чиқади. Бу эса журналистдан ўша соҳа бўйича чуқур ихтисосликка эга бўлишини талаб қилади. Масалан, саноат ҳақида мақола ёзиш учун шу соҳанинг етук мутахассиси даражасида билиш, иқтисод соҳасида ёзиш учун эса иқтисодчи, ҳуқуқ соҳасида ёзиш учун эса ҳуқуқшунос бўлиш, ёки бу соҳани чуқур билиб олиш шарт. Бу талаб ҳаётнинг барча соҳалари учун ҳам тааллуқлидир. Аммо бу етарли эмас. Мақола ёзувчи журналист ўша соҳанинг мутахассиси даражасида билимга эга бўлиш билан бирликда мазкур масала ҳозирги давр учун, шу кун учун нечоғлик аҳамиятли эканлигини, унинг ечими ҳаёт учун, тараққиёт учун қанчалик зарур эканлигини ҳам чуқур тушуниши, билиши, ҳис қилиши лозим. Бу эса – публицистиканинг бош талабидир, шунинг учун ҳам мақола таҳлилий публицистиканинг асосий жанри ҳисобланади.

2-БОБ “МОҲИЯТ” ГАЗЕТАСИДА МАҚОЛАНИНГ КЎРИНИШЛАРИ

Мақола учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган фикр, мулоҳаза эса ҳаётдаги факт, воқеа ва ҳодисаларни умумлаштириш, таҳлил ва тадқиқ қилиш натижасида вужудга келади. Факт, воқеа ва ҳодисаларнинг таҳлили эса мақоланинг мавзуси, қайси соҳага бағишланганлиги яъни тур ва хилига боғлиқ. Чунончи, илмий мақолада асосан илмий тадқиқот, ижтимоий-сиёсий мавзудаги мақолада эса ижтимоий-сиёсий тадқиқот, адабий-бадний мақолада адабий-бадний тадқиқот ва ҳоказо олиб борилади. Юқоридаги тадқиқот турлари орасида публицистик тадқиқот асосий ўрин тутати.

Кўриниб турибдики, ахборий публицистикада марказий ўрин тутувчи факт, воқеа ва ҳодисалар тафсилоти мақолада маълум бир фикр, ғояни тасдиқлаш учунгина хизмат қилади. Мақоланинг асосий мақсади ижтимоий ҳаётнинг у ёки бу муаммоларини акс эттириш ва жамоатчилик фикрига ҳавола этишдир.

«Моҳият» газетасининг 2012 йил 7–сентябрь сонида босилган иккинчи мақола – журналист З.Ашурованинг «Бахт қўрғони дарз кетмасин» сарлавҳали материали эса амалий–ижодий мақола хилига киради. Унда бугунги куннинг долзарб мавзуларидан бири бўлган “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастуридан келиб чиқиб, оилани мустаҳкамлаш, фарзанд тарбияси масалалари ҳаётдан олинган факт ва мисоллар асосида очиб берилади.¹³

Мақоланинг тили ва услуби масаласига келсак у расмий, илмий, адабий-бадний, ҳажвий, публицистик услубда ёзилиши мумкин, бу мақоланинг мавзуси ва ўз олдига қўйган мақсадидан келиб чиқади. Мазкур жанрда адабий-бадний воситалар ҳам ўз ўрнида қўлланилади, масалан, илмий мақолада бундай воситалардан фойдаланилмайди. Оммавий журналистика нашрларида босиладиган публицистик мақолаларда бу воситалардан маълум даражада фойдаланилса, адабий-бадний журналларда бериладиган, ижтимоий ҳаётни ёритувчи мақолаларда бу воситалар кенг қўлланилади. Бинобарин,

¹³ Ашурова З. «Бахт қўрғони дарз кетмасин» // «Моҳият» газетасининг 2012 йил 7–сентябрь, 3-бет.

мақоланинг тил ва услуби, адабий-бадий воситалардан фойдаланиш мақоланинг типи ва хилига боғлиқдир.

Мақола жанри журналистикада жуда қадимдан кенг қўлланилиб келади. Жаҳон журналистикаси, рус ва ўзбек журналистикада мақола жанри ижтимоий фикрнинг шаклланиши ва тараққиётида, илм-фан, маданият ва маънавиятнинг ўсишида катта роль ўйнаб келган. Жумладан, Туркистон Миллий уйғониш даври журналистикада мақола миллий мустақиллик ғоясининг шаклланиши, мустамлакачилик зулми, жаҳолат ва қолоқликка қарши кураш, маънавият ва маърифатнинг тараққий этишига хизмат қилган. Атоқли ўзбек адиблари М.Бехбудий, М.Абдурашидхонов, А.Авлоний, Чўлпон, Фитрат, А.Қодирий ва бошқалар ватан мустақиллиги, халқ эрки учун курашда мазкур жанрдан кенг фойдаландилар.

Коммунистик тузум даврида мақола жанри яқка ғоя ҳукмдорлиги учун хизмат қилиб келди. Шунинг учун ҳам бу даврда бу жанрнинг бош мақола, пропагандистик (тарғиб этувчи) мақола каби хиллари ўйлаб топилди ва кенг қўлланилди. Ўз миллий мустақиллигига эришган республикада мақола жанри мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий-маънавий ислохотларни амалга оширишда, миллий истиқлол мафкурасини оммага сингдиришда, маданият ва маърифат тараққиётида хизмат қилиб келмоқда.

Тарихчи олим М.Исомиддиновнинг газетанинг 2012 йил 4–апрель сониди «Мозий ибтидоси» рукни остида босилган «Биз билган ва билмаган тарих» сарлавҳали мақоласи эса илмий мақоланинг намунаси бўлиб, унда республика қадимшунос олимлари олиб бораётган ишлар, бу соҳада топилган янгиликлар ҳақида ҳикоя қилинади. Мақола илмий–оммабоп услубда ёзилганлиги билан газетхонга маъқул бўлиши шубҳасиздир.

Б.Бобоёровнинг «Моҳият» газетасининг 2012 йил 24 май сониди босилган «Ақромийлар кимлар?» сарлавҳали мақоласи шу кун учун муҳим бўлган ижтимоий–сиёсий мавзуда бўлиб, шу йилнинг 13 май куни Андижонда юз берган қонли воқеаларнинг сабабчилари ва ташкилотчилари бўлган диний

гуруҳнинг ҳалқимизга ёт бўлган мафкураси, мақсадлари ва иш усулубини фош этишга қаратилган. Журналист О.Шодмоналиевнинг «Тутзорлар уволи – пиллачилик заволи» сарлавҳали мақоласи эса («Моҳият», 2012 йил, 18 февраль) қишлоқ хўжалигининг муҳим муаммоларидан бири – республикамизда пилла қуртини боқиш учун зарур бўлган тут дарахтларини парвариш қилиш, асраб–авайлаш масаласига бағишланган. Шоир Сироҷиддин Саййиднинг «Тажоввуз ёхуд яна Тоҷикистон алюмин заводи ҳақида» сарловҳали мақоласи («Моҳият» –2010 йил, 13 сентябрь) танқидий руҳда бўлиб, унда қўшни Тоҷикистон республикасининг Сурхондарё вилоятининг жанубий ҳудудларига туташ жойида ўрнашган алюмин заводидан чиққан заҳарли моддалар воҳа табиати ва аҳолисининг ҳаётига хавф солаётганлиги очиб ташланади. Журналист Б.Эгамқуловнинг газетанинг шу йил 22 февраль сонидан жой олган «Текшир–текшир ўйини» сарлавҳалти танқидий мақоласи эса корхона ва муассасаларда ўтказилаётган ўринсиз текширишларнинг зарари масаласига бағишланган.

Мақола жанри журналлар саҳифаларидан ҳам кенг ўрин олиши ҳаммага маълум. Чунки ижтимоий ҳаётнинг чуқур қатламларини ёритувчи бу журналистика тури учун юз бераётган факт ва воқеаларнинг моҳиятини очиб берувчи бу жанр қўл келади. Мақола жанри журналларнинг барча турларидан доимий ўрин олади. Жумладан, ижтисоий–сиёсий журнал бўлмиш «Тафаккур» журналининг деярли ҳар бир сонида мамлакатимиз моддий ва маънавий ҳаётининг турли масалаларини акс эттирувчи, шу кун учун муҳим ва долзарб муаммоларни кўтариб чиқувчи мақолаларни кўришимиз мумкин. Масалан, мазкур журналнинг биргина – 2005 йил, 1–сонида босилган мақолаларга кўз ташласак фикримизнинг яққол исботини кўришимиз мумкин. Журнал Республика Маънавият марказининг раҳбари, публицист Қ.Аъзамнинг «Миллий қадриятлар: тикланиш замони» сарлавҳали мақоласи билан очилади. «Миллат ва маънавият» рукни остида берилган бу мақолада жамиятимизда юз бераётган улкан маънавий ислохотлар, барча соҳалардаги миллий қадриятларимизнинг табора тикланиб, ҳаётимизга сингиб

бораётганлиги катор мисоллар билан ёритиб берилади. Таниқли адабиётшунос, Ўзбекистон қаҳрамони О.Шарафутдиновнинг «Янги аср муаммолари» рукни остида босилган «Экология ва журналистика» сарлавҳали мақоласида эса шу даврнинг энг ҳаётий ва долзарб муаммоси бўлмиш табиатни асраш масаласи қаламга олинади. Адиб ўз мақоласида инсониятни уни кутиб турган катта экологик таназул ва ҳалокатдан огоҳ қилади: «XXI аср инсоният тарихидаги фаровонлик ва бахтиёрлик асри эмас, балки одамзод яшайдиган сўнги аср бўлиб қолса ҳам ажаб эмас,— деб ёзади у.- Бунинг учун ер юзида ядро уруши бўлиши ёки бактериологик қуролларни ишга солиш шарт эмас. Бунинг учун ҳозирги экологик таназулнинг ўзи кифоя». Муаллиф бунга мисол қилиб Орол денгизининг қуриб қолиши, ҳавонинг ифлосланиши ва табиат устидан кенг миқёсларда ўтказилаётган зуғумларни мисолга келтиради.

Таниқли адабиётшунос Н.Каримовнинг журналнинг мазкур сонидан жой олган «Аср тенгдоши» мақоласи эса илмий–адабий мақола турига мисол бўлади. Унда давримизнинг атоқли адиби Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек ижодининг янги қирралари, у яратган асарларнинг маънавиятимизни юксалтиришдаги ўрни ҳақида сўз боради. Адабиёт тарихининг синчков муатхассиси И.Ҳаққулнинг «Руҳият сабоқлари» рукни остида босилган «Асрори Ҳаллож» мақоласи эса 1X асрда яшаб ўтган мутаваассуф арбоб, жоҳил уламолар томонидан ўлимга маҳкум этилган Мансур Ҳалложнинг ҳаёти ва қисмати ҳақида бўлиб, журналхонга бу ҳақда қатор янги маълумотлар беради. Журналдан шунингдек, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ҳаётнинг бошқа турли масалалари ҳақидаги мақолалар ҳам ўрин олган. Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, мақола жанри жамият ҳаётининг чуқур қатламларини акс эттириш, ундаги турли масалалар, муаммоларни ҳал этишда газета ва журналлар ҳамда оммавий ахборот воситаларининг бошқа турлари учун ҳам қўл келадиган оммабоп, таъсирчан жанрдир Фақат, юқорида айтиб ўтилганидек радио ва телевидениеда мақола жанри бошқачароқ – радио ва телевизион чиқишлар номи билан аталади.

3-БОБ. “Моҳият” газетаси журналистларининг маҳорати.

Матбуот назариясида унинг ижтимоий онг кўриниши сифатидаги хусусияти муҳим ўрин эгаллайди. Чунки бу хусусият унинг асосий моҳиятини, маъносини ифода этади.

Маълумки, матбуот ижтимоий ҳаётни акс эттириш кўринишларидан бири, реал воқеликни билиш, тадқиқ этиш ҳамда унга таъсир кўрсатишнинг муҳим воситасидир. Матбуотнинг асосини реал воқелик ташкил этади, у маълум бир воқеликни ўзида акс эттиради, уни ўрганади, таҳлил қилади ҳамда унга қайтадан таъсир кўрсатади. Таъбир жойиз бўлса матбуотни реал воқеликдан қайнаб чиқиб унга ҳаётбахш оқим сифатида қайтадан қуйилувчи маънавий чашмага қиёс қилиш мумкин.

Матбуотнинг фалсафий моҳияти – унинг ижтимоий онг кўринишларидан бири эканлигидадир. Маълумки, оламда ижтимоий борлиқ ва унга мос келувчи ижтимоий онг мавжуддир. Ижтимоий онг ўзида ижтимоий борлиқни акс эттиради ва шу билан бирликда ижтимоий борлиқ ҳаётида муҳим роль ўйнайди. Ижтимоий онг таркибида мафкура, фан, адабиёт-санъат, ижтимоий ҳуқ-атвор ва бошқалар мавжуд бўлиб, матбуот ҳам шулар қаторида тенг ҳуқуқли аъзо, ижтимоий онг шаклини ташкил этади. У ижтимоий онгнинг энг ўткир ва таъсирчан қисмидир. У жамият ҳаётини акс эттириш билан бирликда ўзида муайян ғоя ва қарашларни ҳам ифода этади, кишиларга тушунтириш ва ишонтириш йўли билан ана шу ғояларни сингдиради, уларни ҳаётга татбиқ этиш учун кураш олиб боради. Матбуот ижтимоий онгнинг бошқа кўринишларига қараганда борлиққа яқин туради, унда юз берган ҳар қандай ўзгаришлар аввало матбуотда ўз аксини топади. Матбуот ижтимоий онгнинг бошқа кўринишларидан жуда муҳим ва қудратли вазифа – жамиятга ғоявий таъсир кўрсатиш имконияти билан ажралиб туради. Бошқача қилиб айтганда кишилиқ жамиятига таъсир кўрсатишда матбуотдан қудратлироқ восита йўқдир.

Матбуотнинг ижтимоий онгнинг бошқача кўринишларидан фарқи унинг серкўламлилиги, яъни ҳартарафлама, ҳар ерда ҳозир ва ҳар нарсадан

хабардорлигидир. Матбуот жамият ҳаётининг деярли барча томонларини ўзида акс эттиради, кишилар фаолияти ва жамият ижтимоий ҳаётининг матбуотда ўз аксини топмайдиган бирор соҳаси йўқ, деса бўлади. Яъни, матбуот ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва фаолиятнинг ҳамма томонларига доимий ва актив таъсир кўрсатувчи ғоявий омилдир. Матбуот кишилар ҳаёти ва фаолиятига доир барча масалаларни акс эттирар экан, ўз навбатида турли соҳаларга бўлиниб кетади. Жумладан, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг муҳим масалаларини ёритувчи ижтимоий-сиёсий журналистика, иқтисодий ҳаёт ва ишлабчиқаришнинг турли соҳаларини кўрсатиб берувчи иқтисодий-ишлабчиқариш журналистикаси, илм-фан масалаларига бағишланган илмий журналистика, ҳаётни бадиий адабиёт қонуниятлари билан ёритувчи ҳамда бадиий адабиётга хизмат қилувчи бадиий журналистика, ижтимоий ҳаёт иллатларига қарши курашда сатира ва юмор қонуниятларига асосланувчи ҳажвий журналистика, спорт журналистикаси, ҳарбий журналистика, болалар журналистикаси каби соҳалар билан бир қаторда ҳаётни ёритишда турли техник воситаларидан фойдаланувчи фотожурналистика, радиожурналистика, тележурналистика каби хиллари ҳам мавжуддир. Мавзу доираси ҳамда ҳаётни тасвирлаш йўллари ва воситалари жиҳатидан турли хил бўлган бу соҳаларнинг умумий қонуни – ижтимоий ҳаётни акс эттиришдир.

Матбуотнинг ижтимоий онг кўриниши сифатидаги ўзига хос хусусиятларидан бири – унинг доимийлигидир. Матбуот нашрлари доимий равишда чиқиб туради, телекўрсатувлар, радио ва оммавий ахборот воситаларининг бошқа кўринишлари узликсиз равишда, ҳар куни фаолият кўрсатади. Бу ҳам ОАВ нинг таъсир кучини белгиловчи омилдир. Бинобарин, матбуот ижтимоий-сиёсий, ахборий фаолиятнинг доимий иш кўрувчи, серкўлам, ҳозиржавоб, таъсирчан, жанговар кўринишидир. У ижтимоий ҳаётни асосан босма сўз ва шунингдек овоз ва тасвир қўшилмаси воситасида акс эттиради, уни билади, тадқиқ қилади ва унга қайтадан таъсир кўрсатади. Шу билан бирликда матбуот муайян жамиятнинг ғоя ва қарашларини акс эттиради, унга хизмат қилади. У қайси жамиятга, қайси гуруҳларга хизмат

қилиши билан жамият тараққиётига икки хил: ё ижобий ёки салбий таъсир кўрсатади ва тарихий тараққиётни ё тезлаштириш ёки секинлаштириш сабабчиси бўлади. Ҳамиша илғор, тараққийпарвар кучлар манфаатини, ғояларини ўзида акс эттирувчи матбуот жамият тараққиётига ижобий таъсир кўрсатиб, унинг суръатларини тезлаштириш учун хизмат қилса, эскириб қолган, қолоқ, якка ғоя ҳокимлиги манфаатларига хизмат қилувчи матбуот эса замон тараққиётига тескари таъсир кўрсатади, тараққиёт йўлига ғов бўлади.

Масалан, мақоланинг “Моҳият” газетасида танқидий мақолалар «Журналист текшируви» деб номланади ва унда журналист ҳаётда учрайдиган бирор салбий воқеа, ҳолат ва масала тадқиқ қилиниб, ўз муносабатини билдирилган ҳолда ёритилади. Мазкур турдаги материалларни алоҳида бир жанр деган фикрлар ҳам мавжуддир. Аммо унда ҳам мақола жанрига хос бўлган белгилар – ҳаётдаги факт ва воқеалар чуқур таҳлил қилиниб, тегишли хулосалар чиқарилиши асосий ўрин тутиши нуқтаи назаридан бу хилдаги публицистик асарларни ҳам мақола жанрига оиддир, деб ҳисоблаймиз. «Журналистик текшириш» деганда мазкур материалнинг ёзилиш жараёнида қўлланилган усул ҳам тушунилиши мумкин, аммо бу ўринда бу усул натижасида вужудга келган ижодий маҳсулот назарда тутилаётир. «Моҳият» газетасининг 2011 йил 14 сентябрь сонида журналист А.Ҳайдаровнинг «Ғат–ғат қилган карнайчи» сарловҳали журналистик текшируви босилган. Унда Бухоро вилояти Қорақўл туманидаги «Янги бозор» ширкат хўжалиги аъзоси Зиё Холиқовнинг хўжалик раҳбарлари томонидан кўрган ноҳақликлари ҳақида ҳикоя қилинади. Зиё Холиқовни гидронасоснинг айрим қисмларини ўғирлашда айблайдилар ва у катта қийинчиликлар билан ўзининг ҳақлигини исботлайди. Материалда айрим ҳуқуқ ходимларининг масалага бир томонлама ёндашиб адолатсизликка йўл қўйишлари ҳам очиб ташланган. Х. Эшматовнинг газетанинг шу йил 10 январь сонида босилган «Қўл учида тузилган шартнома» журналистик суриштирувида эса Тошкент шаҳар «Яккасарой акциядорлик жамиятининг 3–минерал сув ишлаб чиқариш цех мудири Б.Мирзааҳмедовнинг жамият раиси С.Мусаев билан ўзи

бошқараётган цехни ўз қаромоғига олиш бўйича шартнома тузганлиги, кейинчалик эса жамият раҳбарлари бу шартномага амал қилмаганликлари ҳақида сўз боради. Журналист масаланинг моҳиятини текшириб, ноҳақ сарсон қилинган ва ҳуқуқий камситилган фуқаро Б.Мирзааҳмедовни ҳимоя қилади.

Газеталарда «Журналистик текширув» рукни остида бериладиган мақолалар тез—тез учраб туради. Бу турдаги мақолаларнинг оддий мақолалардан фарқи шундаки уларда ҳар бир факт у ката ёки кичик, аҳамиятли ёки аҳамиятсиз бўлмасин албатта текширилиши ва ўз ўрнида ишлатилиши лозим. Журналистнинг бирор факт ёки маълумот ёхуд воқеани баён этишда йўл қўйган хато ва чалкашликлар кейинчалик ёмон оқибатларга — материалнинг текширилиш жараёнида тасдиқланмаслиги ва оқибатда журналистгина эмас, уни ўз саҳифаларида эълон қилган нашр ҳам жавобгар бўлиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, журналистиканинг ҳаққонийлик тамойили бошқа жанрлардаги материаллардан ҳам кўра бу жанрда аниқ ва тўла қўлланилиши талаб этилади.

Матбуот ижтимоий онг кўриниши сифатида фаолият кўрсатар экан, ижтимоий онгнинг марказини ташкил этувчи мафкура билан яқин алоқада бўлади, унинг хизматини қилади. У ўз фаолияти давомида ана шу мафкурани ташкил этишда иштирок этади ва маълум даражада унинг таркибий қисмига айланади. Агарда мафкура умуминсоний ва миллий қадриятларни ўзида акс эттирса унинг матбуотга таъсири ҳам ижобий бўлади, унга йўналиш, куч-қудрат бағишлайди. Аксинча, қотиб қолган, эскирган ғояларга асосланувчи, жамият тараққиёти талабларига жавоб бераолмайдиган мафкура эса матбуотнинг фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Яқин ўтмишимизда ҳукмронлик қилган коммунистик мафкура ва унинг матбуотининг инқирози фикримизга мисол бўла олади.

Матбуот ижтимоий онгнинг муҳим қисмини ташкил этувчи фан билан ҳам ўзаро муносабатда бўлади. Фан инсоннинг олами билишдаги қудратли қуроли, инсон тафаккурининг тараққиётига хизмат қилувчи буюк воситадир. Матбуот ҳам ўз фаолиятида фан билан узвий боғланиб, унинг тараққиётига

хизмат қилади, шу билан бирликда фаннинг факт танлаш, таҳлил этиш, хулоса чиқариш каби ички қонуниятларидан ўз фаолиятида кенг қўлланади. Ҳаёт воқеаларини илмий ҳолислик билан таҳлил этиш, жамият учун керакли хулосалар чиқариш каби фанга оид бўлган иш усуллари матбуот материаллари, публицистика учун ҳам тааллуқлидир.

Матбуот ижтимоий онгнинг муҳим кўринишларидан бўлган адабиёт ва санъатга яқин туради ва биргаликда иш олиб боради. У кундалик фаолиятида адабиёт ва санъатнинг муаммоларини акс эттириб, улар равнақига хизмат қилиш билан бирликда адабиёт ва санъатнинг ҳаётни акс эттириш усулларида кенг фойдаланади. Масалан оммавий ахборот воситаларининг муҳим тури бўлган телекўрсатувлар кино ва театр санъатидан, радио эса музика санъатидан, ҳажвий журналистика тасвирий санъатнинг муҳим соҳаси бўлган карикатурадан кенг фойдаланади ва бу санъат турлари журналистика жанрларига айланиб кетади. Матбуот санъатнинг муҳим таркибий қисми бўлган адабиёт билан жуда яқиндан алоқада бўлади, баъзан эса ўзаро бирлашиб ҳам кетади. Матбуот билан адабиётни бир-бирига яқинлаштирувчи энг асосий нарсаси – сўздир. Илло, адабиёт ҳам, матбуот ҳам асосан сўз воситасида иш кўради, ҳаётни акс эттиради. Шунинг учун ҳам матбуот билан адабиёт бир-бирига энг яқин, деярли эгизак соҳалардир, шу боисдан журналист ва адабиётчи, ёзувчи касби бир-бирига жуда яқин туради, айрим ҳолларда эса бирлашиб кетади. Шу билан бирликда матбуот билан адабиёт ўртасида маълум чегара, фарқ мавжуддир. Адабиёт ижтимоий ҳаётни бадиий образлар, образли сўз ёрдамида акс эттиради матбуот эса ижтимоий ҳаёт воқеаларини асосан фактлар, далиллар асосида ёритади, жамият учун зарур бўлган муайян хулосалар чиқаради. Бошқача қилиб айтганда адабиёт – сўз санъати, матбуот эса сўз сиёсатидир. Матбуот билан адабиётнинг ўзига хослиги яна уларнинг ҳаётга таъсирида ҳам яққол ўз ифодасини топади. Адабиёт ижтимоий ҳаётни образлар орқали тасвирлар экан ҳаётга билвосита, яъни ўқувчиларнинг ҳис-туйғулари орқали таъсир кўрсатади, матбуот эса ҳаётга ҳам билвосита, яъни ўқувчиларда фикр уйғотиш орқали ва ҳам

бевосита таъсир кўрсатади. Масалан, ҳажвий ҳикоя қаҳрамони устидан ўқувчи фақат кулса, фельетон қаҳрамони бўлган шахс бевосита жазоланиши ҳам мумкин. Демак, матбуот ижтимоий ҳаёт воқеаларини фақатгина тасвирлаб, таҳлил этибгина қолмасдан ҳаётда ўзгариш ҳам ясаши мумкин. Яъни, матбуотнинг ижтимоий вазифаси адабиёт ва санъатга қараганда кенгроқ бўлиб, у жамиятнинг шу кундаги, айна замондаги ҳаёти, мафкураси, ғояларига хизмат қилади. ва адабиёт ва санъатга қараганда ҳаётий масалалар билан шуғулланади. Лекин бундан матбуот ҳаётни курук қайд этиш, қандай бўлса шундайлигича кўрсатиш билан шуғулланади, деган маъно келиб чиқмаслиги керак. Матбуот ижтимоий ҳаёт воқеаларини оддийлигича, беэҳтирос қайд этмайди, балки бутун тўлалаги билан, фикрлар мажмуи, ҳис-туйғулар билан акс эттиради. Матбуот бу вазифани бажаришда адабиётнинг турли воситаларидан, чунончи унинг типиклаштириш, образ яратиш, сюжет ва бошқа омилларидан кенг фойдаланади. Матбуот билан адабиётни бир-бирига боғлаб турувчи бир омил, ҳар икки ўзига хос ижтимоий ҳодисани синтез қилувчи бир муҳим соҳа борки, у ҳам бўлса – публицистикадир.

Публицистика латинча “Publicis” – ижтимоий деган маънони билдириб, адабий-сиёсий ижод турига айтилади. Публицистика – ижтимоий ҳаётни акс эттиришнинг алоҳида бир тури бўлиб, шу кундаги, айна замондаги муаммоларни ўзида акс эттиради ва шу кунга, айна замонга хизмат қилади. Бошқача қилиб айтганда публицистика шу замон муаммоларини шу замон кишиларига етказиш, шу замон муаммоларига жамоатчилик фикрини уйғотиш мақсадига хизмат қилувчи ижод туридир. Публицистиканинг ижодий таркибида фан, адабиёт, сиёсат мавжуд бўлиб, у буларнинг умумий синтезидан ташкил топади. Публицистика адабиёт ва санъатда ҳам кенг ифода этилади, аммо унинг кенг ва бемалол иш кўрадиган майдони – матбуотдир. Публицистикада маълум даражада илмийлик ҳам мавжуддир, чунки у ҳаёт фактлари, воқеаларини акс эттириш, уларни таҳлил қилиш ва тегишли хулосалар чиқаришда мантиқий муҳокамадан ҳам фойдаланади. Публицистика бадиий адабиётдан эса сюжет, композиция, образлилик, тип ва

образлар яратиш, бадий тўқималардан фойдаланиш каби ижодий воситалардан фойдаланади. Бу воситаларнинг ҳаммаси публицистикадаги асосий мақсадга, айтилмоқчи бўлган фикр, чиқарилмоқчи бўлган публицистик хулосаларга хизмат қилади.

Публицистика худди журналистика сингари ўз навбатида турли турларга, хилларга бўлиниб кетади: ижтимоий-сиёсий публицистика, илмий публицистика, адабий-бадий публицистика, ҳажвий публицистика ва бошқалар. Публицистика жанр нуқтаи назаридан эса учга – ахборий, таҳлилий ва бадий публицистикага бўлинади.

Шундай қилиб, ижтимоий онгининг кўринишларидан бири бўлган матбуот юқорида келтирилганидек ижтимоий-ижодий вазифаларни бажаради ва жамият ҳаётида ғоят муҳим ўрин тутди.

Ўз истиқлолига эришган республикаимиз ҳаётида матбуотнинг ўрни ва аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Ўзбек матбуоти жамиятимиз ижтимоий онгининг муҳим бир бўлаги сифатида унинг ривожига, миллий мафкура ва маънавий қадриятларимизни камол топтиришда, кишиларимиз онгида янги замонига мос ўзгаришлар, янгича тафаккурнинг мустаҳкам ўрин олишида фаол иштирок этмоқда.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, “Туркистон-пресс” нодавлат ахборот агентлигининг ҳафталик ижтимоий-сиёсий нашри бўлган “Моҳият” газетасида асосан ҳуқуқий ва ижтимоий мавзулар қаламга олинади. Иқтисод, спорт ва маданий ҳаётга оид материаллар ҳам талайгина. Газета Ўзбекистонда ахборот агентлиги муассислигида чоп этиладиган ягона даврий нашр ҳисобланади. Газета А-2 форматда, 3 босма табақда чиқади, умумий тиражи 3263та. Газетанинг бугунги кундаги бош муҳаррири Камола Аллаёрова.

Асосий рукнлари:

- “Давр кўзгуси”,
- “Жараён”,
- “Халқаро ҳаёт”,
- “Жаҳон матбуоти”,
- “Маънавият”,
- “Кўзгу”.

Газета бевосита “Туркистон-пресс” нодавлат ахборот агентлигининг нашри бўлгани боис ундаги материалларнинг бир қисми агентлик мухбирлари томонидан тайёрланиб, агентликнинг сайтида қўйилган материаллар ташкил этади. Бу ҳил материаллар асосан ижтимоий-маданий соҳаларга оид чиқишлардан иборат. Давлат аҳамиятига молик муҳим тадбирлар, сиёсий жараёнлар хусусида материаллар эса кўп ҳолларда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигидан олинади. Сўнгги ойлар ичида газетадаги ижодий ва техник жараёнларда ўзгаришлар сезилмоқда. Бу ўзгаришларнинг аввало ижобий эканлиги келтириб ўтган ҳолда нашр дизайни яхшиланганлигини келтириб ўтишимиз лозим. Гарчи газетанинг ҳам юртимиздаги кўплаб нашрларга ўхшаб фақат биринчи ва охириги саҳифалари рангли ҳолда нашр этилсада, ранглар ўзаро мутаносиб танланганлигини эътиборни тортади.

Биринчи саҳифанинг ўзидаёқ “Мамлакатимизда” рукни остида ва бир устунда хабар ва янгиликлар берилади. Қолаверса, газетада “Парламент ҳаёти”, “Муносабат”, “Ишлаб чиқариш”, “Мутолаа ўрнида” каби рубрикалар бор. “Реклама ўрнида” номли рубрика остида эса реклама материаллари берилади. Сўнги саҳифада эса “Кўзгу” рукни остида спорт хабарлари берилади. Ўқувчилар биринчи саҳифанинг ўзидаёқ кейинги саҳифалардан ўрин олган энг муҳим материалларнинг номи билан танишишлари мумкин. Бу ҳақида уларнинг тўлароқ маълумотга эга бўлишлари учун материалларда тилга олинган объектга алоқадор бўлган расмлар кўмаклашади.

Газета саҳифаларини варақлаб бугунги ўзбек матбуотида камайиб бораётган “Акс-садо” рукнига ҳам дуч келаамиз. Жумладан, газетанинг 2013 йил март ойидаги сонларининг бирида газетанинг ўша пайтдаги бош муҳаррири Абдурасул Ғаффаров муаллифлигидаги “Оммавий маданият: тақлидий эмас, танқидий ёндошмоқ керак” номли таҳлилий мақоласи эълон қилинган эди. Унда бугун бутун дунёда шаклланган мавжуд анъаналар, урф-одатлар, умуман одамларнинг турмуш тарзига шиддат билан кириб келган ва салбий таъсир этаётган “Оммавий маданият” ҳамда унда муносабат ҳақида фикр юритилади.¹⁴ Газетанинг 2013 йил 24 май сониде эса мана шу мақолага журналист Саидолим Абдурахмоновнинг “Оммавий маданият: на ой, на қуёш, балки залолатдир”¹⁵ номли муносабатли мақоласи эълон қилинади. Ҳар иккала мақолада ҳам муаллифлар ўз касбий позицияларини кўрсата олган. Зиёлиларнинг бирлашиб жамиятдаги оғриқли масалаларга реакция билдиришини албатта ижобий баҳолаш мумкин.

Журналистиканинг энг асосий икки вазифаси бор. Улардан бири ахборот бериш бўлса, иккинчиси ижтимоий фикр шаклланишига хизмат қилиш ва унга таъсир ўтказиш. ОАВда, аynиқса, матбуот нашрларида уларнинг

¹⁴ Ғаффаров А. “Оммавий маданият”: тақлидий эмас, танқидий ёндошмоқ керак” // “Моҳият” газетаси, 2013 йил 22 март сони, 2-бет

¹⁵ Абдурахмонов С. “Оммавий маданият: на ой, на қуёш, балки залолатдир” // “Акс садо” // “Моҳият” газетаси, 2013 йил 24 май, 1-4-бетлар

ҳар иккисига гувоҳ бўламиз. Айниқса, бу вазифалар “Моҳият” газетаси материалларида яққол кўринади. Улардаги берилаётган ахборотлар, аввало аудиторияни янгиликлар билан таъминласа, иккинчидан мана шу хабарнинг жамиятда ижтимоий фикрнинг шакилланишига туртки бўлади.

Ҳар жиҳатдан мукаммал ижод намунасини яратишнинг ҳам ўзига хос формуласи мавжуд десак янглишмаган бўламиз. Бунда эркин ижод, яъни ижодий муҳит, журналистнинг юксак маҳорати (ижодкорнинг тили, услуби, илмий салоҳияти ҳисобга олинади) ва шубҳасиз масъулият қўшилган ҳолдагина натижа, самара сезилади.

Ижод завқи чоғларида кўнгил шу қадар чароғон нурга тўладики, бу нур ижод аҳлининг, ундан ўтиб ижод муҳлисларининг қалбини, ундан-да ошиб, дунёни мунаввар қилади.

Мутлақо идеал қаҳрамон ҳаётда учрамагани учун ундай образ кўпчиликка ёқмайди. Асар қаҳрамонларининг фазилатлари ҳам, қусурлари ҳам ҳаётдагидек бўлгани маъқул.

Оммавий коммуникация масалалари билан шуғулланадиган мутахассислар ОАВни қуйидаги уч гуруҳга бўлиб тадқиқ этишмоқда:

- омма тафаккурини бошқарувчи;
- омма билан тенг мавқеда мулоқот ўрнатувчи;
- оммага нисбатан пассив мавқени эгалловчи ОАВ.

Бундан келиб чиқадики, эркин фуқаролик жамиятида иккинчи хил иш юритиш, яъни омма билан тенгма-тенг мавқеда мулоқот ўрнатиш кўпроқ қадрланади, эътироф этилади.

Ижод учун бирламчи навбатда зарур бўлган нарсa эркинликдир. Эркинлик бўлмаса ҳар қандай истеъдод ҳам жуда тез сўниб, ўтмаслашиб қолиши мумкин. Эркинлик истеъдодни ўртамиёначилиқдан сақлаб қоладиган омилдир. Маълумки, ижод тафаккур билан боғлиқ-адиб кўрган-кечирганларини кузатган ва бошдан ўтказганларини умумлаштириб, ҳаёт

тўғрисида, инсон ҳақида ўзининг хулосаларини, умумлашмаларини беради. Булар бетакрор бўлса, фақат шу адибгина айтиши мумкин бўлган хулосалар бўлсагина ўқувчи учун қадрли ва тансиқдир.

Журналистик асар чинакам ўқишли бўлиши учун, ахборий жанрда бўладими, таҳлилий ёки бадий-публицистик бўладими, барибир, унинг марказида инсон турмоғи керак, ўқувчи инсоннинг тақдири, табиати, ҳаёти ҳақида муайян ахборот олиш билан бирга бу асарда эстетик завқ ҳам ола билсин.

Шу ўринда айрим таклифлар:

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, бобларда келтирилган материаллар газета саҳифасини банд этган ижод наъмуналарининг денгиздан томчиси эди. Тўғриси, газетанинг ушбу саҳифаларидан жуда қониқдик. Айниқса, мақолалар ранг-баранглиги ўқувчини зериктирмайди. Фақат, умумий таклифларим мавжуд:

- маълум мавзуларда қалам тебратадиган, ихтисослашган журналистларни жалб этиш керак;
- сиёсий, иқтисодий, экологик мавзулар қамровини кенгайтириш керак;
- бадий материалларнинг мавзу яқинлиги жуда кўп;
- иложи борица муаллифлар услубини оммабоплаштириш зарур;
- кўча тилига ўтиш эмас, аксинча, айрим тушунилиши қийин муаммоларни халқчилроқ етказиш ўринли;
- шунингдек айрим журналлар ҳақида, қандай материаллар чоп этилаётганлиги тўғрисида маълумот берилганда ўзига хослик йўқ, умумийликдан чекиниш зарур;
- илмий-методологик тенденцияни такомиллаштириш муҳим.

Муҳим газетанинг мактублар билан жадал суръатларда ишлаши, аудиториянинг истакларини эътиборсиз қолдирмасликнинг ўзи газетанинг

улкан ютуғидир. Айни шу ютуқ газета долзарб мавзуларининг киритилишига туртки бермоқда. Таклиф сифатида қўйидагиларни киритган бўлардим:

- мактублар рукнини албатта катта саҳифага айлантириш;
- бунинг асосида мактублардаги мавзулар туркумини ташкил этиш;
- махсус мониторинг олиб борилиши;
- кўтарилаётган муаммоларнинг ечими сифатида қандай чоратадбирлар амалга оширилаётганлигини назорат қилиш;
- бунга турли соҳа фаолларини жалб этиш;
- саволлар, муаммоларга тегишли мутассадиларнинг жавоб беришини таъминлаш;
- муаммоларнинг қонуний назоратини ҳам шакллантириш.

Шу каби жиҳатларга ҳам эътибор қаратилса, саҳифа рукнларнинг асоси янада мустаҳкамланади. Нафақат аудиториянинг, балки, мурожаат қилувчилар, масалага ечим топаётганларда ҳам масъулият ҳисси янада ортиши шубҳасиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

I. Расмий ҳужжатлар ва материаллар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2009.
2. Оммавий ахборот воситалари фаолияти соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. –Т.: Ishonch markaz serviz. 2009
3. “Оммавий ахборот воситалари соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш Давлат дастури тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори 7.08.2006 й. № 163.
4. “Оммавий ахборот воситалари” тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (1997 йил 26 декабрь) (янги таҳрири, 2007 йил 15 январь). Ахборот ва ахборотлаштиришга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. –Т.: Адолат, 2008.
5. “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (2002 йил 12 декабрь). Ахборот ва ахборотлаштиришга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. –Т.: Адолат, 2008.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1996
2. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. 5-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1997
3. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.:Шарқ, 1998
4. Каримов И.А. Ҳавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1998
5. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. 7-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1999
6. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт- пировард мақсадимиз. 8-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 2000

7. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001
8. Каримов И.А. Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дкнё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 2003
9. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимиз ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. 15-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 2007
10. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. 16-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 2008
11. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008
12. Каримов И.А. Энг асосий меъзон-ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. – Т.:Ўзбекистон, 2009
13. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. –Т.:Ўзбекистон, 2010
- 14.Каримов И.А. “Оммавий ахборот воситалари кунига байрам табриги” // Халқ сўзи, 2012 йил 27 июнь сони

III. Асосий адабиётлар.

1. Ахборот тизимлари ва технологиялари. –Тошкент: “Шарқ”, 2000
2. Сайидов Х. Янгиликлар ёзиш ва таҳрир санъати.Т.2002.
3. Худойкулов М. Журналистикага кириш. Ўқув қўлланмаси. Т.: Университет, 2005.
4. Худойкулов М. Бадиий-публицистика жанрлари. –Т.:Ун-т.2004.
5. Хуршид Дўстмуҳаммад. Оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришнинг демократик андозалари. Т.: Ўзбекистон, 2005 йил.
6. Худойкулов М. Журналистика ва публицистика. –Т.: Университет. 2008

7. Дўстқораев Б. Ўзбек журналистикаси тарихи. (1 қисм, 1870-1917 йил ноябрь). Т.: Ғафур Ғулом, 2009

муаллифлар жамоаси:

8. Ирназаров Қ.Т. ва б. Репортёрлик фаолиятининг назарияси ва амлиёти. Ўқув қўлланма. Т.: Университет, 2002.
9. Нестеренко Ф.П., Казем М., Ирназаров К.Т., Маматова и др. Лугат-маълумотнома: журналистика, реклама, паблик рилейшнз. Т.: Зарқалам. 2003.
10. Қосимова Н ва бошқалар. Босма оммавий ахборот воситалари учун қўлланма. Т.: Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди. 2008

IV. Журнал ва газеталар.

1. “Ўзбекистон матбуоти” журнали. 2010-2011 йиллар таҳлами.
2. “Халқ сўзи” газетаси, 2010-2011 йиллар таҳлами.
3. “Ўзбекистон овози” газетаси, 2010-2011 йиллар таҳлами.
4. “Моҳият” газетасининг 2010-2013 йиллар таҳлами.

V. Интернет материаллари.

1. [http: // www. press-info.uz](http://www.press-info.uz)
2. [http: // www. uza/uz](http://www.uza/uz)
3. www.ziyo.net